

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ
ВАЗИРЛИГИ**

ТАШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ОДАМ АНАТОМИЯСИ КАФЕДРАСИ

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ № 11

**МАВЗУ: КАЛЛАНИНГ ЮЗ ҚИСМИ СУЯКЛАРИ. ЮҚОРИ
ЖАҒ, КЎЗ ЁШИ СУЯГИ, БУРУН СУЯГИ, ТАНГЛАЙ,
ПАСТКИ ЖАҒ, ДИМОҒ, ПАСТКИ БУРУН ЧИҒАНОҒИ, ТИЛ
ОСТИ СУЯКЛАРИ ВА УЛАРНИНГ БОЛАЛАРДАГИ
ХУСУСИЯТЛАРИ.**

Кафедра мудири: Х.А.Расулов

Тошкент 2009

11- амалий машғулот

Мавзу: Калланинг юз қисми суяклари. Юқори жағ, кўз ёши суяги, бурун суяги, танглай, пастки жағ, димоғ, пастки бурун чиғаноғи, тил ости суяклари ва уларнинг болалардаги хусусиятлари.

Машғулотнинг мақсади:

Талабаларга юқори жағ, кўз ёши суяги, бурун суяги, танглай, пастки жағ, димоғ, пастки бурун чиғаноғи, тил ости суякларини қисмларини тузилишини, уларнинг одам организмидаги аҳамиятини ва ёшга қараб ўзгаришини тушунтириш.

Вазифалар.

- юқори жағ, кўз ёши суяги, бурун суяги, танглай, пастки жағ, димоғ, пастки бурун чиғаноғи, тил ости суякларини қисмларини ўзбекча ва лотинча номларини ўргатиш.

- юқори жағ, кўз ёши суяги, бурун суяги, танглай, пастки жағ, димоғ, пастки бурун чиғаноғи, тил ости суякларини анатомик белгиларини кўрсатиб бериш

- юқори жағ, кўз ёши суяги, бурун суяги, танглай, пастки жағ, димоғ, пастки бурун чиғаноғи, тил ости суякларини болалардаги хусусиятларини ўргатиш

Назарий қисм:

Талабаларнинг назарий ва амалий билимларини аниқлагач ўқитувчи юқори жағ, пастки жағ ва калланинг юз қисми суякларини тузилишини сўзлаб беради.

Юқори жағ суяги (maxilla) жуфт суяк бўлиб, танаси ва тўртта ўсиғи бор. Суяк танасининг (corpus maxillae) ичида ҳаво сақловчи бўшлиқ бўлиб, у бурун бўшлиғига очилади. Суяк танасининг тўртта: олдинги, кўз косаси, бурун ва чакка ости юзалари тафовут қилинади. Олдинги юзаси кўз косаси юзасидан кўз косаси ости қирраси билан ажралиб туради. Унинг остида кўз косаси ости тешиги ва ит чуқурчаси жойлашган. Юзани медиал томондан чегараловчи бурун ўймаси олдинги бурун ўсиғи бўлиб тугайди. Кўз косаси юзаси учбурчак шаклида бўлиб кўз косасининг пастки деворини ҳосил қилади. Унда кўз косаси ости эгати бўлиб, шу номдаги каналга ўтиб кетади. Чакка ости юзасида юқори жағ дўмбоғи, унинг медиал томонида катта танглай эгати жойлашган. Унинг бурун юзаси бурун бўшлиғини латерал деворини ҳосил қилишда иштирок этади. Бу юзада юқори жағ синуси тешиги, ундан олдинроқда кўз ёши эгати этади. Бу эгатнинг олдида чиғанок қирраси кўндаланг жойлашган. Пешона ўсимтасининг юқори учи пешона суягининг бурун қисмига етиб боради. Унинг ички юзасида ўрта бурун чиғаноғи бирикадиган ғалвирсимон қирра бор. Ёноқ ўсимтаси

(processus zygomaticus) суякнинг юқориги ташқи қисмидан бошланиб ёнок суяги билан қўшилади. Альвеоляр ўсимтанинг (processus alveolaris) пастки қисми альвеоляр равоқда тиш катакчалари ва уларнинг ўртасида тўсиқлар бор. Альвеоляр ўсимтанинг ташқи юзасида альвеоляр тепачалар бор.

Танглай ўсимтаси (processus palatinus) горизонтал жойлашиб қарама-қарши ўсиқ билан бирикади ва қаттиқ танглайни ҳосил қилишда қатнашади. Унинг устки юзаси силлиқ бўлиб бурун бўшлиғининг пастки деворини ҳосил қилади. Пастки юзасида эса бўйлама танглай эгатлари бор. Ўрта чокнинг олдинги учиди кескич канал тешиги бор.

Янги туғилган чақалоқ юқори жағ суяги яхши такомиллашмаган, бўйи паст бўлгани учун кўз косасининг пастки қирраси альвеоляр ўсимтага яқин. Пешона, ёнок, танглай ўсимталари яхши ривожланмаган бўлиб, альвеоляр ўсимтаси зўрға билинади. Эмизикли даврда суяк анча тез ўсади. Альвеоляр ўсимтани ташқи томонида тепачалар, ўсиқ ичида тиш катакчалари ва улар ўртасидаги тўсиқлар пайдо бўлади. Эрта болалик даврида юқори жағ тез ўсиб, танаси катталашади. Болаликнинг иккинчи даврида тишлар алмашинувидан сўнг суяк танаси янада катталашади. Балоғат даврида унинг шахсий ва жинсий белгилари пайдо бўлади.

Кўз ёши суяги (os lacrimale) жуфт, тўртбурчак шаклдаги жуда юпқа ва нозик пластинка бўлиб, кўз косаси медиал деворини олдинги қисмини ҳосил қилади. Олд ва паст томондан юқори жағнинг пешона ўсиғи билан, орқа томондан ғалвир суякнинг кўз косаси пластинкаси билан, юқоридан пешона суягини кўз косаси қисмини медиал чеккаси билан чегараланади. Унинг латерал юзасида кўз ёши эгати бўлиб, юқори жағнинг шундай эгати билан қўшилиб кўз ёши қоғи чуқурчасини ҳосил қилади.

Кўз ёши суяги янги туғилган чақалоқда суякланиб бўлган, унинг рельефи катта одамникига ўхшайди. Бола ҳаёти давомида бу суяк бош суякларининг ўсишига мос равишда катталашиб боради.

Бурун суяги (os nasale) жуфт, тўртбурчакли пластинка шаклида. Улар икки томондан ўзаро бирикиб бурун орқасини ҳосил қилади. Юқори чеккаси пешона суягини бурун қисмига, латерал чеккаси юқори жағ суягининг пешона ўсиғига бирикади. Пастки чеккаси эса бурун тешигини юқори томондан чегаралайди.

Танглай суяги (os palatinum) жуфт бўлиб, кўз косаси, бурун бўшлиғи, оғиз бўшлиғи ва қанот-танглай чуқурчасини ҳосил қилишда иштирок этади. У бир-бирига тўғри бурчак ҳосил қилиб бириккан горизонтал ва перпендикуляр пластинкалардан иборат. Горизонтал пластинкаси (lamina horizontalis) тўртбурчак шаклда. Унинг олдинги чеккаси юқори жағ суягининг танглай ўсиғи билан, медиал чеккаси эса қарама-қарши пластинка билан ўрта чок қилиб бирикиб қаттиқ танглайни ҳосил қилади. Перпендикуляр пластинка бурун бўшлиғининг латерал девори таркибига кириб, латерал юзасида катта танглай эгати жойлашган. Бу эгат юқори жағ ва понасимон суяк қанотсимон ўсиғидаги эгатлар билан бирга катта танглай каналини ҳосил қилади. Горизонтал пластинканинг медиал юзасида

иккита: юқориги ғалвирсимон ва пастки чиғаноқ қирраси бор. Танглай суягида учта: пирамидал, кўз косаси ва понасимон ўсиқлари тафовут қилинади. Пирамидал ўсиқ (*processus pyramidalis*) понасимон суяк канотсимон ўсиқларининг латерал ва медиал пластинкалари орасига киради. Унинг ичидан кичик танглай каналлари ўтади. Кўз косаси ўсиғи (*processus orbitalis*) кўз косасининг пастки деворини ҳосил қилишда иштирок этади. Понасимон ўсиқ (*processus sphenoidalis*) понасимон суяк танасини пастки юзасига бирикади ва понасимон-танглай тешигини ҳосил қилади.

Янги туғилган чақалоқ танглай суягини перпендикуляр пластинкаси қисқа ва кенг, горизонтал пластинкаси ингичка ва қалин, ўсиқлари яхши ривожланган. Эрта болалик даврида перпендикуляр пластинка бўйига ўсади. Унинг ички юзасида чиғаноқ қирраси яхши билинади, ташқи томонида танглай эгати чуқурлашади. Кейинги даврларда суяк бир текис ўсиб, болаликнинг иккинчи даври сўнгида тузилиши катталарникига ўхшаб қолади.

Пастки бурун чиғаноғи (*concha nasalis inferior*) жуфт, юпқа чўзинчок букилган пластинка шаклидаги суяк. Унинг танасини медиал юзаси кўтарилган, латерал юзаси ботик. Юқори чеккаси билан юқори жағ ва танглай суягининг чиғаноқ қиррасига бирикади. Унинг юқори чеккасидан бошланган кўз ёши, юқори жағ ва ғалвирсимон ўсиқлари ўз номидаги суякларга бирикади.

Пастки бурун чиғаноғи янги туғилган чақалоқда ҳали суякланиб бўлмаган, унинг ўсиқлари тоғайдан иборат. Бола ҳаёти давомида бир текис ўсиб, унинг ўсиқлари суякланади. Болаликнинг иккинчи даврида ўсиши тезлашиб, бола 13 ёшга кирганида тузилиши катталарникига ўхшаб қолади.

Пастки жағ суяги (*mandibula*) калладаги бирдан - бир ҳаракатчан ток суяк. Унда танаси ва иккита шохи тафовут қилинади.

Суяк танаси (*corpus mandibulae*) оақасимон шаклда бўлиб, қалинлашган асос ва альвеоляр равоқдан иборат. Альвеоляр равоқда 16 та тиш катакчалари ва катакчалараро тўсиқлар бор. Унинг ташқи томонида альвеола тепачалари жойлашган. Суяк танасининг олдинги қисмида энгак дўмбоғи, ундан орқароқда энгак тешиги бор. Тананинг ички юзасини ўрта қисмида энгак ўсимтаси ва унинг ён томонида икки қоринли мушак чуқурчаси бор. Ўсиқнинг устки чеккасини икки томонида тил ости беши чуқурчаси жойлашган. Унинг остидан бошланган жағ-тил ости чизиғи юқорига қия йўналиб тананинг орқа учига боради. Унинг остида жағ тишлари соҳасида жағ ости беши чуқурчаси жойлашган.

Пастки жағ суяги шохи танаси билан ўтмас бурчак ҳосил қилиб бирикади. Унинг ташқи юзасида чайнов ғадир-будирлиги, ё÷ёё ꝑçåñëää канотсимон ғадир-будирлик бор бўлиб, уларга шу номдаги мушаклар бирикади. Суяк шохи икки: олдинги тож ва орқа бўғим ўсиғи ҳосил қилиб тугайди. Уларнинг ўртасида пастки жағ ўймаси бор. Бўғим ўсиғида суяк бошчаси ва торайган бўйни бўлиб, бўйнининг олдинги юзасида канотсимон чуқурча жойлашган. Суяк шохининг ички юзасида тилча билан чегараланган пастки жағ тешиги бўлиб, пастки жағ каналига давом этади.

Янги туғилган чақалоқ пастки жағ суяги ўзаро бириктирувчи тўқимали катлам воситасида ажралган икки бўлақдан иборат. Пастки жағ танасининг асоси яхши такомиллашмаган бўлиб, унда тиш куртаклари бор. Энгак ости дўнги ва ўсимтаси йўқ. Тананинг альвеоляр қисми яхши билинмаган. Пастки жағнинг танаси шохи билан 140-150° бурчак ҳосил қилиб қўшилади. Бўғим ўсиғи кам ривожланган бўлиб, бўйни қисқа ва йўғон. Қисқа бошчаси тоғайдан иборат кўндалангига чўзилган. Тож ўсиғи нисбатан яхши ривожланган, пастки жағ ўймаси кенг. Эмизикли даврда суяк тез ўсади, унинг танаси ва шохи катталашади. Бу даврда пастки жағни иккала бўлаги ўзаро қўшилиб битта

суякни ҳосил қилади. Курак тишлар чиқиши муносабати билан альвеоляр ўсиқнинг олдинги қисми ўсади. Пастки жағ ўсиқлари ва бўйни узаяди, аммо рельефи ҳали аниқ эмас. Эрта болалик даврида суякнинг танаси узаяди, унинг баландлиги катталашади, бурчаги 125-130° га камаяди. Болаликнинг иккинчи даврида пастки жағ суягининг ташқи рельефи яхши билинади ва катталарникига ўхшаб қолади. 20 ёшларда суяк танаси ва шохи ўртасидаги бурчак тўғри бурчакка яқинлашади ва уни шохи вертикал жойлашади.

Тил ости суяги (*os hyoideum*) бўйинда пастки жағ билан ҳиқилдок ўртасида жойлашган. Унда танаси, катта ва кичик шохлари тафовут қилинади. Суяк танаси (*corpus*) букилган пластинка шаклида бўлиб олд томони кўтарилган, орқаси ботиқ. Катта шохлари (*cornua majora*) танадан ўнг ва чап томонга, кичик шохлари (*cornua minora*) эса юқорига ва орқага қараб чиқади.

Тил ости суяги янги туғилган чақалоқда катталарникига ўхшаш шаклга эга бўлади. Болаликнинг биринчи ва иккинчи даврларида суяк анча сезиларли ўсиб, балоғат даврида унинг кичик шохларида суяк нуқтаси пайдо бўлади ва унинг қисмлари ўзаро 25-30 ёшларда қўшилади.

Тест саволлари

1. Юқори жағ суягида учрамайди?

- А. *processus frontalis, processus mastoideus*
- Б. *processus alveolaris, processus styloideus*
- В. *processus frontalis, processus alveolaris*
- Г. *processus mastoideus, processus ptergoideus*
- Д. *processus palatinus, processus mastoideus*

2. Юқори жағ суягида бўлади?

- А. *sulcus caroticus*
- Б. *sulcus palatinus major*
- В. *fossa pterygoidea*
- Г. *processus mastoideus*
- Д. *sulcus chiasmatis*

3. Юқори жағ суягида учрамайди?

- А. *processus frontalis*
- Б. *processus mastoideus*
- В. *facies anterior*
- Г. *facies orbitalis*
- Д. *sulcus lacrimalis*

4. Юқори жаҒ суягида бўлади?

A. canalis caroticus

Б. canalis facialis

В. canalis incisivi

Г. processus coronoideus

Д. foramen ovale

5. Танглай суягини ўсиқлари қайсилар ?

A. processus pyramidalis, processus orbitalis

Б. processus pyramidalis, processus frontalis

В. processus orbitalis, processus alveolaris

Г. processus sphenoidalis, processus palatinus

Д. processus mastoideus, processus sphenoidalis

6. Танглай суягида учрайди?

A. foramen supraorbitalis

Б. foramen ovale

В. fissurae orbitalis inferior

Г. foramen palatum majus

Д. fissurae orbitalis superior

7. Ёноқ суяги юзаси қайси?

A. facies orbitalis

Б. facies anterior

В. facies maxillaris

Г. facies medialis

Д. facies sphenoidalis

8. Пастки жаҒ суягида жойлашган.

A. foramen palatinum majus

Б. foramen ovale

В. foramen mentale

Г. foramen stylomastoideum

Д. foramen coroticum externum

9. Пастки жаҒ суягида учрайди

A. processus styloideus

Б. processus coronoideus

В. processus corocoideus

Г. processus pterygoideus

Д. processus transversus

10. Пастки жаҒ суягида учрамайди.

A. tuberositas pterygoidea

Б. foramen mentale

В. linea mylohyoidea

Г. processus coronoideus

Д. fossa digastrica

Интерфаол усуллардан «Галерея бўйлаб саёҳат» усулини қўллаймиз. Учта кичик гуруҳга биттадан савол берилди. 1. юқори жағ суягининг тузилиши. 2. пастки жағ суягининг тузилиши. 3. танглай, кўз ёши ва тил ости суяқларининг тузилиши. Жавоб берилгандан сўнг гуруҳлар алмашилиб, бири-бирининг ҳатосини тўрилайди, кимни ҳатоси кам бўлса, яхши баҳоланади.

Топшириқлар:

1. юқори ва пастки жағ, танглай суякларнинг қисмларининг ўзбекча ва лотинча номларини билиш

2 юқори ва пастки жағ, танглай суякларнинг асосий анатомик белгиларини кўрсатиб бериш

3. юқори ва пастки жағ, танглай суякларнинг болалардаги хусусиятларини билиш

4.Мавзу бўйича талабаларни баҳолаш варақасини тўлдириш

Одам анатомияси фанидан талабаларни баҳолаш варақаси

Аъзонинг номи: юқори, пастки жағ ва танглай суяклари

| Терминлар | | | Аъзо қисмлари | Аъзонинг фаолияти |
|-----------|---------|-------|---------------|-------------------|
| лотинча | ўзбекча | русча | | |

Баҳолаш мезони:

| Балл | Баҳо | Талабанинг фан бўйича билим даражаси |
|--------|------------|--|
| 86-100 | Аъло | Талаба юқори жағ, кўз ёши суяги, бурун суяги, танглай, пастки жағ, димоғ, пастки бурун чиганоғи, тил ости суякларининг тузилишини, қисмларини ва ундаги ҳосилаларни кўрсатиб, лотинча номларини айтиб, уларнинг аҳамиятини тушунтира олса. Уларининг болалардаги хусусиятларини айтиб берса. |
| 71-85 | Яхши | Талаба юқори жағ, кўз ёши суяги, бурун суяги, танглай, пастки жағ, димоғ, пастки бурун чиганоғи, тил ости суякларининг тузилишини, қисмларини ва ундаги ҳосилаларни кўрсатиб, лотинча номларини айтиб, уларнинг аҳамиятини тушунтира олса. |
| 55-70 | Қониқарли | Талаба юқори жағ, кўз ёши суяги, бурун суяги, танглай, пастки жағ, димоғ, пастки бурун чиганоғи, тил ости суякларининг тузилиши, унинг қисмлари тўғрисида тасаввурга эга бўлса. |
| 0-54 | Қониқарсиз | Талаба юқори жағ, кўз ёши суяги, бурун суяги, танглай, пастки жағ, димоғ, пастки бурун чиганоғи, тил ости суякларининг тузилиши, унинг қисмлари тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлмаса. |

Жорий назорат саволлари

1.Юқори жағ суягининг қандай қисмлари бор?

2.Юқори жағ суягининг ўсимталари қайсилар?

3.Юқори жағ суяги танасида қандай юзалари бор?

4.Юқори жағ суягининг болалардаги хусусиятлари қандай?

5. Танглай суягининг тузилиши қандай?
6. Бурун суяги ва кўз ёши суяқларининг тузилиши қандай?
7. Пастки бурун чиқаноғи ва тил ости суяқларининг тузилиши қандай?
8. Димоғ суяги ва ёноқ суяқларининг тузилиши қандай?
9. Пастки жағ суягининг тузилиши қандай?
10. Пастки жағ суягининг болалардаги хусусиятлари қандай

Машғулотнинг таъминланиши.

Бутун калла суяги, алоҳида юқори ва пастки жағ суяқлари, тил ости суяги.